Ушбу сонда:
2 Мавзуга қайтиб «ПРОПИСКАДА БОРМИСИЗ?»
3 БАЙРАМОЛДИ ТАБРИКЛАРИ
4 Ҳазил ўрнида ЭҲ, БИЗ АЁЛЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 17 март, шанба №41 (1055)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига

ЧЎЛДАГИ САНОАТ ГИГАНТИ

Бу йил Муборак газни қайта ишлаш заводи ташкил этилганлигига 30 йил тўлади. Бу улкан саноат гиганти республикамиздагина эмас, балки Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан биридир. Асрий чўлда қад кўтарган корхонанинг порлоқ машъалалари — тунлари юлдузлар билан баҳслашаётган ранг-баранг чироқлари олислардан кўзга ташланади.

Заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, мустақил Ватанимизнинг ҳаёт томирларига «зангори олов» қувватини етказиб бериш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдаги ҳиссаси беқиёс. Корхонада ҳар йили 25 миллиард 500 миллион кубометр газ қайта ишланади. 270 минг тонна олтингугурт хом ашёси, 10 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Унинг кўламини шундан ҳам билса бўладики, мавжуд 16 та ишлаб чиқариш цехида ўнлаб бригадалар фаолият кўрсатмоқда. 28 миллат вакилларидан ташкил топган 2300 нафар касаба уюшма аъзолари меҳнат қилаётган жамоада кеча-ю кундуз ҳаёт қайнайди.

— Ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлик кўрсатиш фаолиятимизнинг бош мезонига айланган, - дейди биз билан суҳбатда завод касаба уюшма қўмитаси раиси Меҳмонқул Нурмуродов. - Қўмитамиз ходимларни иқтисодий, ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалашга алоҳида эътибор бермоқда.

Энг муҳими, раҳбарият билан ишчилар ўртасида ҳеч қандай жарлик йўқ. Муаммолар жойида ҳал қилинади. Боиси, директор Барака Рустамов ҳам, касабақўм раисининг ўзи ҳам шу меҳнат жамоасида камол топган, оддий ишчиликдан раҳбарлик даражасига кўтарилган мутахассис кадрлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг ёнига умидвор бўлиб кирган кишилар чеҳраси ёришиб чиқади.

Бинобарин, корхона ишчилари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Қўшни туманлардан қатнаб ишлайдиганларнинг келиб кетишлари учун махсус автобуслар ажратилган. Газчилар махсус иш кийимлари билан тўлиқ таъминланган. Ҳар бир цехда, операторлар хоналарида кийиниш, ювиниш, дам олиш учун шароитлар бор. Завод ҳудудида 3 та ошхона, 1 та чойхона ишлаб турибди. Тажрибали шифокорлар Ҳамид Хайруллаев ва Исроил Пўлатов раҳбарлик қилаётган тиббиёт-тозалик қисми билан профилакторий газчилар хизматида.

Шунингдек, маъмурият ва касабақўм жамоа аъзолари ва уларнинг болалари дам олишлари, саломатликларини тиклашларига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, 86 нафар касаба уюшма аъзоси бепул йўлланма билан таъминланди. Бу мақсадлар учун 3 миллион 226 минг сўм сарфланди. Жамоа келишувига асосан маъмурият томонидан ҳам 200 кишига сиҳатгоҳларга йўлланма берилди. 700 нафар ишчи, инженер-техник ходим заводнинг саломатлик марказида ўз соғлиғини тиклади. 286 бола оромгоҳларда дам олди. Уларга 5 миллион 139 минг сўмлик йўлланмалар бепул берилди. Г.Собирова, Н.Муродова, К.Мўминов, А.Йўллиев, Г.Набиева каби ишчилар республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклаб қайтдилар.

— Заводимизда ишлаб пенсияга чиқиб кетган 250 нафар қария ва ногиронларнинг иссиқ-совуғидан доимо хабардормиз, - дейди касабақўм раиси. - Кам таъминланган оилаларга уюшма томонидан 1 миллион 285 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик.

Ҳақиқатан ҳам завод меҳнат аҳли доимий ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Шерқул Турдиев, Акрам Баҳромов, Насиба Султонова, Акмал Холиқов каби нафақахўрлар, Тўхта Абдураҳмонов, Турсун Ёмғуров, Ризвон Абдиев, Дилбар Шагиева сингари кам даромадли оилалар ўзларига кўрсатилаётган ҳимматдан мамнундирлар.

Маъмурият ва касаба уюшмаси ташаббуси билан кам даромадли оилаларнинг болаларидан 70 нафарига суннат тўйи қилиб берилди ва уларнинг ҳар бири ҳисобига жамғарма банкига 5 минг сўмдан пул қўйилди. Тумандаги барча мактаблар ва болалар боғчаларига моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Қамашидаги болалар уйи, Яккабоғдаги қариялар уйига оталиқ ташкилоти сифатида моддий ёрдам берилаяпти.

Оналар ва болалар йили муносабати билан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган. Жамоада ишлаётган 686 нафар аёлнинг моддий шароитлари янада яхшиланяпти. Улар Қарши шаҳридаги диагностика марказида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Ҳомиладор аёллар тиббиёт ходими хулосасига мувофиқ ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда муддатидан 2 ой олдин туғруқ таътилига чиқарилади. Аёлларга завод профилакторийсида даволаниш учун бепул йўлланмалар берилади.

Касаба уюшма аъзоси ўғлини уйлантиргандa, қизини турмушга чиқарганида 3 минимал иш ҳақи миқдорида моддий кўмак олади. Бошига мусибат тушган, таъзия бўлган оилаларга 10 минимал иш ҳақи миқдорида ёрдам кўрсатилади. Бу инсонпарварлик ва меҳр-саховатнинг олийжаноб намунасидир.

Шу боис ҳам, корхонада меҳнат жўшқинлиги, кўтаринки кайфият ҳукмрон. Газчилар янги марраларни кўзлаб, меҳнат қилмоқдалар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Довруғи оламга кетган «Чаношиқ» гиламларини бугун ҳар бир ўзбек хонадонида кўришимиз мумкин. Нафис ва бежирим бундай гиламларни ишлаб чиқараётган Хива туманидаги «Чаношиқ» хусусий корхонаси мустақиллигимиз билан тенгдош корхоналардан бири. Корхона аҳли қўшалоқ байрамга катта тайёргарлик кўрмоқда.

Иноқ жамоа якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан ишлаётганлиги, муваффақиятнинг бош омилидир. Меҳнатсеварлар 15 хилдан ортиқ гиламлар ишлаб чиқармоқдалар.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Jizzax

Жиззахда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш юзасидан вилоят касаба уюшмалари Кенгаши олдиндан белгиланган тадбирлар асосида қатор ишларни амалга оширди.



Ҳозиргача 4320 та меҳнат жамоасида байрамолди ҳашари уюштирилиб, 2 миллион 338 минг сўмлик иш бажарилди. Ҳовли-жойлар, кўчалар, хиёбонлар тозаланиб, тартибга келтирилди. 24 миллион 147 минг туп кўчат ўтказилди.

Байрам арафасида кам таъминланган, ёлғиз, қаровчисини йўқотган оилалар, қарияларга ҳомийлик ва мурувват кўрсатишга киришилди. Бугунгача 400 га яқин оила ана шундай кўмак учун миннатдорчилик билдирди. Касаба уюшмалари 720 минг сўмлик, корхона ва ташкилотлар ҳисобидан эса 2 миллион 196 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами уюштирилди.

Qoraqalpog'iston

Элликқалъа туманидаги «Тоза Амиробод» фермер хўжаликлар уюшмасида Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига амалий иш билан жавоб берилмоқда. Уюшма ҳудудидаги 4 та йирик овулда ободонлаштириш ишлари ўтказилди. Кўчалардаги ариқлар бўйларига, майдонларга 50 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Касабақўм ва маъмурият ташаббуси билан Мустақилликнинг ўн йиллиги шарафига уюшма марказида 10 гектарли боғ барпо этиш ҳаракати бошлаб юборилди. Қисқа муддатда 40 минг тупдан кўпроқ олма, шафтоли, олхўри ва беҳи кўчатлари ўтказилди.

Шунингдек, эски 50 гектарли боғ ҳам талаб даражасида парвариш этилмоқда, айниқса дарахтларга шакл бериш, зарарли ҳашаротларга қарши кимёвий йўл билан курашиш ишлари авж олмоқда.

Уюшма аъзолари ўтган йили мазкур боғдан 7 миллион сўмлик даромад олган эди. Уларнинг мақсади жорий йилда мазкур кўрсаткични икки ҳиссага кўпайтиришдан иборат.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Toshkent

Тошкентдаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан Наврўзга бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, қадимий ва навқирон, яшариш-янгиланиш айёми бўлмиш Наврўз азал-азалдан халқимизнинг энг гўзал анъаналари, эзгу орзу-умидларини ўзида мужассам этиб келган. Наврўзнинг табиат қонунлари, Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг тенглашиши, табиатнинг яшариши билан боғлиқ жиҳатлари миллий урф-одатларимизда ҳам ўз аксини топган. Анжуманда тарихчилар, элшунос, санъатшунос ва файласуф олимлар Наврўзнинг тарихий илдизлари, халқимиз ижодиёти, мусиқа, тасвирий санъатига таъсири ва умуман, миллатимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Тадбир якунида Рассомлик ва дизайн институти талабаларининг баҳор айёмига оид тасвирий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

(ЎзА).

УКРАИНАГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли «Ил-76» юк самолёти Тошкентдан Украинанинг Львов шаҳрига учиб кетди. Унда Украинанинг Карпаторти минтақасида юз берган сув тошқинидан жабр кўрганларга инсонпарварлик ёрдами сифатида қурилиш материаллари, дезинфекцияловчи воситалар, иссиқ кийим-кечак, пойафзал, дори-дармон ва озиқ-овқат ортилган.

Ўзбекистон ҳукумати табиий офатдан талафот кўрган Украина аҳолисига ёрдам кўрсатиш тўғрисида 16 март куни махсус қарор қабул қилган эди. 28 тонналик юкни манзилга етказиш Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилган. Вазирлик қутқарувчилари юкни сув тошқини юз берган ҳудуд маркази - Ужгород шаҳрига олиб боради.

Юкни Украинага жўнатиш олдидан ўтказилган маросимда иштирок этган мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненконинг айтишича, тошқиндан юз мингга яқин киши зарар кўрган, ўн мингдан ортиқ одам бошпанасиз қолган.

(ЎзА).

МИННАТДОР ЧЕҲРАЛАРНИ КЎРИШ - БАХТ

Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши қабулхонасида бир кун

Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси, унинг биринчи ўринбосари А.Ихтиёров ўтган йилнинг июнида бир хайрли ишга қўл уришди. Гарчанд, бу янгилик деб баҳоланмаса-да, Кенгашга турли масалалар юзасидан келаётган фуқароларнинг мурожаатлари ўз жойида ва тез ҳал этиладиган бўлди.

14 март, чоршанба куни. Кенгаш раиси ўринбосарининг мўъжазгина хонаси. Эрталабданоқ фуқароларни қабул қилиш бошланди. Қабулга келган Тамара Қўшоқова Фориш туман алоқа бўлимида телеграфчи бўлиб ишлаб келаркан. У касаллик пайтида раҳбарнинг хоҳиши билан ишдан бўшатиб юборилибди.

— Оилада олти жонмиз, - дейди Т.Қўшоқова. - 10 январдан буён мажбурий бекор юрибман.

Раис ўринбосари тегишли жойлар билан боғлангач, масала ҳал этилди. Ходим ўз вазифасига тикланиб, мажбуран бекор юрган кунлари учун маъмурият ўртача ойлик иш ҳақини тўлайдиган бўлди.

Шундан кейин Жиззах ип-йигирув фабрикаси ишчилари Исмат Фозилов ҳамда Ойимхон Азимовалар қабул қилиндилар. Аризачилар корхонанинг янги раҳбари Юсуф Каримов ишга келгач, «мен янги мулкдорман», дея уларни вазифаларидан озод этган.

Янги раҳбарнинг бу иши қонуний эмаслиги унга ётиғи билан тушунтирилгач, хатосини тан олиб, И.Фозилов ҳамда О.Азимоваларни ўз ишларига тиклашга сўз берди.

Бироз ишдан ҳоли бўлган раис ўринбосарини суҳбатга тортамиз.

— Йил бошидан ҳозиргача 137 нафар аризачини қабул қилдим. Қабул кунларимни чоршанба, шанба кунларига белгилаган бўлсам-да, мурожаатга келган ҳеч бир фуқарони ноумид қайтармайман. Ўтган йилнинг етти ойида 581 нафар фуқаро ариза билан қабулда бўлди. Солиқлар, иш ҳақи, аёллар ва ўсмирлар меҳнатига оид, дам олиш учун йўлланмалар олиш, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятига доир масалаларда мурожаат қилувчилар кўпроқ. Бундай қабулни ташкил этишдан асосий мақсад — меҳнат кишисининг бу муаммосини тезкорлик билан ҳал этишга эришиш, касаба уюшмалари идоралари эшигига нажот истаб келганлар ишончини қозонишдан иборат.

*** Репортаж ***

Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий, кўп ҳолларда шикоятлар ана шу қусурларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам бераётир. Тўғри, ишимиз кўп. Лекин фуқаролар дилидагини тинглаб, улар дардига малҳам бўлишдан ҳам ортиқроқ эзгу иш бўлмаса керак. Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари олдига ҳам ана шу талабни қўйганмиз.

Мурожаатларни қайд этиш дафтарини варақлар эканмиз, ўнлаб фуқароларнинг мушкули осон бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, Давлат Бобоев Зафаробод туманидаги Ҳ.Олимжон номли хўжаликда кўп йиллар сувчи, тракторчилик қилиб келарди. У пенсияга чиқиш арафасида идора биносида ёнғин чиқиб, барча архив ҳужжатлари ёниб кетади. Бу ҳақда 2 йил давомида жуда кўплаб идораларга мурожаат қилса-да, бирор натижага эриша олмайди. Шундан сўнг касаба уюшмалари вилоят Кенгашига мурожаат қилади. Шахсан А.Ихтиёров аралашувидан сўнг Д.Бобоевнинг меҳнат дафтарчаси орқали қанча миқдорда бадал тўлаб боргани аниқланиб, шу асосда 5 йиллик меҳнат стажи тикланди ва унга меҳнатга оид пенсия тайинланди.

Жиззах туман санитария-эпидемиология станцияси ходимлари Н.Рашидова, Ж.Эшонқулова, «Иттифоқ» қишлоқ врачлик пункти врачи С.Алиқулов, Ғаллаороллдаги «Лалмикор» савдо ишлаб чиқариш жамияти сотувчиси М.Бакировлар ҳам турли масалаларда мурожаат қилишгач, кўнгиллари таскин топиб, мушкуллари осон бўлган.

— Одамларнинг миннатдор чеҳрасидан ҳамиша баҳра олиб яшайман, - дейди у. - Қабулга келган ҳар бир инсонга нажоткор бўлиш биз учун катта бахт.

А. АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕК МАКТАБЛАРИГА - ЯПОН ГРАНТИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Япония ҳукуматининг Кичик ҳажмли лойиҳалар учун беғараз ёрдам дастури доирасида Ўзбекистондаги ўрта таълим муассасалари ислоҳоти учун 169 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратиш ҳақида ҳужжат имзоланди.

Бу маблағнинг 78 минг доллари Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 191-ўрта мактабни таъмирлашга сарфланади. Қолган 91 минг доллар эса Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Ўктам Усмонов номидаги 16-ўрта мактабни таъмирлаш ва яна қўшимча бир янги бино қуриш учун ишлатилади.

Грант-шартномани Ўзбекистон томонидан мазкур икки мактаб директорлари Галина Карнаухова ва Мастура Мирзаева, Япония ҳукумати номидан эса ушбу давлатнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма имзолади.

(ЎзА).

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Наргиза Камолова Бухоро вилояти болалар шифохонасида хўжалик бекаси сифатида бинойидек ишлаб келаётган эди. Аммо, нима бўлди-ю, маъмурият арзимаган баҳоналарни рўкач қилиб, уни асоссиз равишда ишдан бўшатди. Бундан норози бўлган хизматчи масаланинг адолатли ҳал этишни сўраб вилоят тармоқ касаба уюшмасига мурожаат этди.

Қўмита мазкур ишни чуқур ўрганиб чиқиб, шифохона ходимини ишдан озод этишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 237-моддаси талаблари бузилганлигини аниқлади. Яъни, ушбу талабга кўра, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат Кодексининг 226-моддасига кўра маъмурият ҳомиладор аёлни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш йўлларини излаши зарур эди. Афсусланарли томони шундаки, мазкур ташкилот раҳбари буйруқ чиқаришда айни шу талабларни атайлаб эсдан чиқарган кўринади. Бунима, қонунни билмасликми ёки била туриб уни менсимасликми?

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси аралашувидан сўнг тармоқ ходими Наргиза Камолова ўз ишига тикланди. Асоссиз равишда вазифасидан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилиниб, унинг ишсиз юрган кунлари учун ҳақ ундириб берилди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Давр ва ёшлар

БОҚИМАНДАЛИК

иллатидан дадил халос бўлайлик

Хозирги даврда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мавжуд қийинчиликлар занжирининг бир учи кадрлар масаласига бориб тақалади, десак хато бўлмас. Янгича фикрлаш, янгича муносабатлар соҳани ҳали тўла қамраб олмагани ҳам муболаға эмас. Хўш, соҳа ихтисосликларини эгаллаётган ёшларга қандай сабоқ берилаяпти, уларнинг ўқув шароитлари қанақа? Ана шу саволларга жавоб истаб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бўлдик.

— Талабалар бугун энг замонавий билимлар билан қуроллантирилсагина эртанги ишлаб чиқариш жараёнида илғор усулларни жорий қила олади. Умуман, фан ишлаб чиқаришга нисбатан олдинроқ юриши керак. Шунинг учун биз таълим жараёнини тубдан янгилаш, ўқув шароитларини яхшилаш ҳаракатида бўлдик, - дейди институт ректори, профессор Абдуқодир Эргашев. - Шу мақсадда аввало профессор-ўқитувчиларнинг малакаси оширилди. Чет эллардаги таълим марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ўқув жараёни компьютерлаштирилди. Институт кутубхоналари янги дарсликлар, илмий адабиётлар билан бойитилди. Дарсларни ўтиш ва мустақил мутолаа, амалий машғулотлар учун ҳамма шароитлар яратилди.

Бунга амалда ишонч ҳосил қилдик. Институтнинг барча факультетларида кутубхоналар, маънавият-маърифат маскани, иқтидорли талабалар хонаси ташкил этилган бўлиб, зарур жиҳозлар ҳамда адабиётлар, матбуот нашрлари билан таъминланган. Ўқитувчилар ва талабалар нафақат республикамиз қишлоқ хўжалигига оид, балки турли хорижий мамлакатлардаги деҳқончилик ҳақидаги маълумот-манбаларни ҳам олишлари мумкин.

—Илм олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун киши турмуш ташвишларидан бирозгина ҳоли бўлиши керак, - дейди институт касаба уюшма қўмитаси раиси Шомурод Аҳмедов. - Президентимиз, ҳукуматимиз фан аҳлини, таълим ходимларини, иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти. Бироқ, фақат давлатнинг ёрдамига кўз тикиб ўтираверишярамайди. Шу боис, институт маъмурияти билан тузилган жамоа шартномасида ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос жиҳатларини ишлаб чиққанмиз. Институт бюджетидан ташқари маблағлар ҳисобидан йил давомида илмий тадқиқот соҳасида янгиликка эришган ўқитувчилар, ўзлаштириши юқори иқтидорли талабалар алоҳида рағбатлантирилади. Яъни, ҳар бир киши бирор янгилик яратишдан манфаатдор бўлади. Илмий тараққиётнинг, билимни бойитишнинг асосий шарти мана шундадир. Бундан ташқари, институтнинг техникавий ўқув полигони, иссиқхонаси, ёзги соғломлаштириш оромгоҳида етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми сарфланадиган вақтларини тежаб, уларни илмий-ўқув жараёнига кўпроқ жалб қилишдир.

Қуйидаги маълумотлар эътиборимизни тортди. Ўтган йил давомида институтга қарашли ҳудудда етиштирилган 5 тонна пиёз, 0,5 тонна лимон, 10 тоннага яқин мева ва узум институт ходимларига арзон нархда сотилган. Бундан ташқари, ўқитувчи ва талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга 3,5 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилган. Ижтимоий соҳада ечимсиз муаммо йўқ. Касабақўм раиси Ш.Аҳмедовни фақат бир нарса ташвишлантиради: санаторийларга ажратилаётган йўлланмалар талабларга нисбатан жуда кам. Лекин институтга қарашли «Меҳнаткаш» оромгоҳида ҳар йили 250-300 нафар талаба дам олади.

—Мазкур оромгоҳда дам олганман. Жуда яхши жой, - дейди 2-курс талабаси А.Муҳиддинов. - Бу ерда нафақат дам олиш, балки чиниқиш, мустақил машғулотларни давом эттириш мумкин. Муҳими, раҳбарларимиз бизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани, соғлиғимиз ҳақида ғамхўрлик қилаётганидир. Бунга биз фақат яхши ўқишимиз билан жавоб беришимиз керак.

Талабалар касаба уюшма ташкилотининг етакчиси О.Ражабов билан суҳбатимиз ётоқхоналардаги шароит хусусида бўлди. Институтда иккита ётоқхона бор. Уларда 700 нафарга яқин талаба яшайди. Кейинги икки йилда ётоқхоналар тўла таъмирдан чиқарилди. Маиший ва коммунал хизмат тизимлари, ошхоналар замон талабига мослаштирилди. Барча хоналар гилам-палос, мебеллар билан жиҳозланган. Ички радио тармоғи ишлаб турибди. Ётоқхоналарда ҳам кутубхона, маънавиятмаърифат умумий дам олиш хоналари мавжуд. Улар матбуот нашрлари, телевизор, бадиий адабиётлар билан таъминланган. Эътиборлиси шундаки, талабалар касаба уюшма қўмитаси институт «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда ёшлар билимини бойитиш мақсадида кўплаб тадбирларни ўтказмоқда. Айниқса, спорт тадбирларидан ҳеч ким четда қолмаётир. Баскетбол, волейбол, қўл тўпи, армрестлинг, тош кўтариш мусобақалари айниқса талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Самарқанднинг тарихий жойларини зиёрат қилиш, музейларга бориш анъанага айланган. Гап шундаки, бугунги талаба эртага қишлоққа нафақат пухта билим билан, балки бой маънавият, янгича меҳнат ва турмуш ғоялари билан кириб бориши керак. Янги аср деҳқончилигининг пойдевори мана шунда бўлса, ажабмас.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида 900 нафар ёшлар таҳсил олмоқда. Коллеж талабалари Наврўз айёмига пухта ҳозирлик кўриш мақсадида ҳашар уюштиришди. Кўча ва коллеж ҳовлисига 200 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 1000 тупдан зиёд турли гул ва гул қаламчалари ўтказишди. Шунингдек, ўқув хоналари, спорт майдончаси тартибга келтирилди.

Суратларда: ҳашар пайти.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.



Хўжалик ва касаба уюшма ҳамкорлиги

ИЛҒОР ИШЧИГА 50 МИНГ СЎМ МУКОФОТ

Ҳар галгидек, сурхонлик миришкор бободеҳқонлар бу йил ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб, чигитни плёнка остига экишни бошлаб юбордилар. Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун Денов туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалиги маъмурияти касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда махсус тадбир ишлаб чиқиб, амалийлигини таъминлай бошлади. Чунончи, мавжуд 24 та дала шийпони ишчиларнинг иккинчи уйига айлантирилди. Даланинг бошида икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Шийпонлардаги дам олиш хоналарида бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун барча шароит яратилган.

Бундан ташқари, даланинг ўзида кўчма кутубхоналар ташкил этилган. Чигит экишда иштирок этаётганлар махсус кийим-бош билан таъминланган. Техника хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши қатъий назорат остида. Зарарли шароитда ишлаётганларга кунига 1,5 литр миқдорида сут маҳсулотлари берилаётир. Касаба уюшма қўмитаси қарори билан чигит экишда иштирок этаётган 24 нафар механизатор ва 183 нафар оилавий пудратчига 10 минг сўмдан нақд пул берилди. Мавсумда энг кўп сифатли чигит эккан механизаторга 50 минг сўм пул, илғор оилавий пудратчига бир бош қора мол мукофот тариқасида берилиши кўзда тутилган.

— Ушбу тадбирлардан ташқари илғор механизаторлар «Чинобод» ва «Турон» сиҳатгоҳларига бепул дам олдирилади, — дейди хўжалик касаба уюшмаси раиси Фарҳод Сатторов.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ОБИДАЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Сурхондарё ҳудуди қадимий обидаларга бойлиги билан аллақачон дунёнинг назарига тушган. Кўҳна цивилизациянинг ҳайратомуз аломатлари бу замин қаърида то ҳануз сир сақлаб ётибди. Бироқ кўпчиликка сир бўлмаган бир гап шуки, вилоят ҳудудидаги бир қатор ёдгорликларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ишлари кўп йиллар ўз ҳолига ташлаб қўйилди ёхуд ишлар эгасига етгунча, биздан ўтгунча қабилида олиб борилди.

Айтиш мумкинки, Термизнинг қутлуғ икки ярим минг йиллик байрам шарофати билан аҳвол ижобий томонга юз бурди. Ёдгорликларни таъмирлашга жиддий эътибор қаратилди. Бугунги кунда обидаларни таъмирлаш ишлари бевосита вилоят ҳокимлигининг назоратида турибди.

Айни шу кунларда Термиз туманидаги Қирққиз, Кокилдор ота, Султон Саодат тарихий мажмуаларини таъмирлаш ишлари қизғин бормоқда. Кўҳна Қирққиз қалъасида таъмирлаш ишлари олиб бораётган усталар дарғаси, Бахтиёр Тўраев шундай дейди:

— 2000 йилнинг апрелидан буён бу ерда ишлаяпмиз. Иш жараёнида шу нарсага иқрор бўлдикки, бу ерга ҳам Бухоро, Хива, Самарқандда қадимий ёдгорликларни таъмирлаш ишларида бевосита иштирок этган одамларнинг кўмаги зарур экан. Ҳа демай бизга ана шундай тажрибали, моҳир усталар ёрдамга етиб келишади.

Оҳангарон қир-адирларида мақсар экиладиган майдонлар бу йил икки карра кўпаядиган бўлди.

«ЧОТҚОЛ» КЎККА ИНТИЛАДИ

— Бу ўсимлик ёғидан ош қилиб кўрганмисиз? о, мазза, — дейди «Чотқол» ширкат хўжалигининг бош чўпони Фарҳод Холбоев, — Шифобахшлигини айтмайсизми?! Уни етиштириш мушкул эмас. Қир бағри бир сидра ҳайдаладию уруғ ташланади. Сўнг худонинг иноятн билан бир ёмғир тушиб берса бўлди, мақсар уруғи униб чиқаверади. Кўклам баракали бўлган йиллар бу экиндан гектарига 20 центнергача ҳосил кўтариш мумкин.

— Поясининг ёғли эканлигини айтмайсизми, — гапга қўшилади унинг ҳамкасби Рустам Ҳусанов. — Уни еган борки семиради денг.

— Тўғри айтасиз. Чорвани қишловдан беталофат олиб чиқишимизда бу йил худди шу ўсимлик пояси жуда асқотдида, — дейди Фарҳод ака. — Очиғи, бу йил ўзимга тегишли ерларнинг ҳаммасига мақсар экаман.

«Чотқол» ширкат хўжалиги раҳбари Райимжон Шодиметовнинг айтишича, бугун даланинг ҳам чорванинг ҳам ўз эгаси бор. Яйловларда бир ярим минг бошдан ортиқ қўй-қўзилару йилқилар, қорамоллар боқилмоқда. Лекин қирда иссиғу совуқни писанд қилмай чорва ортидан юриш айтишга осон. Буни унча-бунча одам эплолмайди. Чотқолликларнинг эса зуваласи пишиқ, ниятлари тоғдандa баланд: қўзи олиш мавсумини баракали якунлаш, мақсар экиладиган майдонларни янада кенгайтириш.

Ислоҳат инсон учун

ЖАМОА ШАРТНОМАСИДА ЯНГИ БАНДЛАР

«Тахтакўпир» ширкат хўжалигида 2000 йил шартнома шартларининг бажарилиши ва амалдаги йил шартномасини қабул қилишга бағишланган маъмурият ва касабақўмнинг бирлашган намунавий йиғилиши бўлди. Унда туман хўжаликлари раҳбарлари, касабақўм раислари, фермерлар қатнашди.

Йиғилишда ширкат хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А.Адилов маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар ўтган йили моддий ёрдам жамғармаси ҳисобидан кам таъминланган оилалар, уруш фахрийлари ҳамда ногиронлардан 32 нафарига етарли даражада кўмаклар бериб борилганини қайд этди. Баҳорги экиш, йиғим-терим мавсуми даврида далада ишловчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланди. Болалар боғчаларига озиқ-овқатлар вақтида етказиб берилаяпти. Шунингдек, мактаб ўқувчиларига 100 минг сўмлик дарсликлар туҳфа этилди.

Ширкат хўжалиги аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш учун 150 минг сўм, умуман ижтимоий тармоқлар учун 3 миллион 200 минг сўм сарфланди.

Йиғилишда шартнома баъзи шартлари бажарилиши таъминланмагани сабаблари ҳам таҳлил этилди.

2001 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаси «Оналар ва болалар йили» муносабати билан уларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялаш хусусидаги янги бандлар билан тўлдирилди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.



Ҳашар — элга ярашар

БОҒЛАР КЎПАЙМОҚДА

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисидаги ҳукуматимиз қарорини ҳаётга татбиқ этишда барча қатори Яккабоғ тумани «Чўмич» қишлоқ аҳли ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Ҳозирга қадар ҳудудда 7 минг мевали, 2 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 5,5 километр масофадаги ариқлар тозаланди. Йўл ёқасидаги бинолар оқланди. 500 метрли йўлакча таъмирланди. «Саховат» ва 2-шифохоналарда махсус боғлар ташкил этилди. Бу ишда тўқимачилик фабрикаси, қариялар уйи, тиш даволаш шифохонаси ва туғруқхона ишчи-хизматчилари бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Бундан ташқари Қурбон ҳайити ва Наврўз байрами муносабати билан 13 нафар кам таъминланган оилага моддий ёрдам уюштирилди, 3 нафар ногирон аҳволидан хабар олинди. Айни чоғда маҳаллаларда «Сумалак сайли» ўтказилмоқда.

Хайрулла ТЎРАЕВ,
меҳнат фахрийси.

Мавзуга қайтиб

«ПРОПИСКАДА БОРМИСИЗ ?»

шу хусусдаги баъзи бир муаммолар ҳақида

Газетамизнинг 2001 йил 23 январ сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилганди. Ушбу матбуот чиқиши юзасидан таҳририятимиз кўплаб хатлар олди, кўнғироқлар бўлиб турибди.

— Яқинда Тошкентга борганимда, жуда ноқулай аҳволга тушдим, - деб ёзади Жиззах вилояти Дўстлик тумани Саркисов номли жамоа хўжалиги аъзоси Хайрулла Ҳайдаров. - Боиси, милиция ходимлари ҳужжатимни текшириб, савол-жавобга тутдилар. Мен пойтахтга келганимга бир соат бўлганини, автобус чиптасида йўловчининг фамилияси кўрсатилмаслигини, баъзи тижорат автобусларида эса умуман чипта бўлмаслигини тушунтиришга уриндим. Бироқ, милиция ходимлари ҳечам гапимга ишонишмади...

«Пропискада бормисиз?» мақоласида тилга олинган сурхондарёлик йигитларнинг саргузашти менинг ҳам бошимга тушди, - дейди ўз мактубида Андижоннинг Улуғнор туманида истиқомат қилаётган ўқитувчи Баҳриддин Ғуломов, - Тошкентда ҳарбий хизматини ўтаётган укамни кўриб келиш учун боргандим. Ўша куниёқ Собир Раҳимов метросида иккита сержант «Прописка ҳақидаги қоидани бузгансиз» дея, мени жаримага тортишди. Бундай ҳоллар биринчи бўлиши эмас. Тушунаман, пойтахтга ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмаган ҳолда уч кунга келиб-кетиш мумкин. Лекин шахсий иш билан келганлигинг, қолаверса, йўловчи машина хизматидан фойдаланганинг учун чипта ёки келган кун муддатини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатга эга бўлмайсан киши. Хўш, муаммонинг ечими қаерда? Ноўрин дилхираликларга қандай қилиб барҳам бериш мумкин?

Биз — журналистлар масаланинг барча қирраларини ўргандик, ҳамма жиҳатларини адолат нуқтаи назаридан тарозуга солиб кўрдик. Келинг, айрим нуқтаи назаримизни баён этайлик. Халқимизда «Шаҳар бедарвоза эмас» деган яхши гап бор. Ҳозирги шароитда юртимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, мустақиллигимиз шарофати ила қўлга киритилган ютуқларни ёмон кўзлардан асраб-авайлаш, ҳушёрликни ошириш омиллари пойтахтимиз Тошкентга келиб-кетиш қоидаларини қатъий тартибга солишни тақозо этмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари майор С.Набиев бизга кўпни қизиқтираётган масала хусусида қуйидагиларни айтди:

— Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилда қабул қилинган қарорига кўра, вилоятлардан фуқаролар Тошкентга ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмаган ҳолда уч кунга келиб-кетаоладилар. Бу муддат уч кундан ошган тақдирда улар ўзлари келган туман ички ишлар бўлимининг паспорт бўлимида рўйхатдан ўтишлари шарт. Ўз-ўзидан тушунарлики, мазкур қоидага риоя қилмаганлар адолатли тарзда жаримага тортиладилар.

Биринчи қарашда ҳамма нарса аниқ-равшан кўринади. Лекин, ўрни келганда баъзи саволлар пайдо бўляптики, улар кўпчилик газетхонларимизни ўйлантириб қўймоқда. Масалан, юқорида таъкидланганидек, вилоятдан келдингиз дейлик. Сизни тўхтатиб, ҳужжатингизни текшираётган милиция ходимига пойтахтга кеча ёки бугун келганлигингизни нима билан исбот қила оласиз? Мабодо, самолёт ёки поезд хизматидан фойдаланган бўлсангиз, чипталарда ёки сафар қоғозида исми-шарифингиз, муайян кун қайд этилган бўлади. Бироқ, автобусда келсангиз-чи? Автобус чиптасида йўловчининг фамилияси кўрсатилмайди. Қолаверса, ҳозир кўпайиб кетган тижорат автобусларида умуман чипта берилмайди. Ана шундай ҳолатда сизга рўбарў бўлган милиция ходимига нима деб жавоб берасизу, қай йўсинда уни ишонтира оласиз?

Бу шу куннинг етилган муаммоларидан бири. Жойлардаги аҳолини рўйхатга олиш органларидаги мутасаддилар, ички ишлар тизимининг бевосита паспорт режими билан шуғулланувчи ходимлари унинг ечими ҳақида дурустроқ ўйлаб кўрсалар, қанчадан-қанча кишиларнинг мушкули осон бўлган бўларди.

Таҳририят ана шу муаммо ечими хусусидаги фикр-мулоҳазаларни, аниқ таклифларни кутиб қолади.

«Адолат ва ҳуқуқ» бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Фидокор халқимизни ва республикамиздаги барча тиббиёт ходимларини Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.



Калбингизни баҳорий кайфият, кўклам гулларидек нафислик тарк этмасин!

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК»И ЎҚУВ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз меҳнаткашлари, банк таъсисчилари, акциядорлари ва мижозларини ўйғониш, янгиланиш фасли —

Наврўз байрами

билан самимий кутлайди!

Шу тароватли кунларда барча эзгу ишларингиз бароридан келсин!

«Ғаллабанк»нинг Ўқув бўлими қуйидаги мақсадли, муддатли омонат турларини таклиф қилади.

Т/С	Омонат турлари	Омонатнинг энг кам сўми (миқдор)	Фоиз миқдори	Фоиз ҳисоблаш муддати	Фоиз олиш шарти
I	Муддатсиз омонатлар:				
1	Талаб қилиб олинувчи	100 сўм	16	йилига	
II	Муддатли омонатлар:				
1	3 ойлик	10000 сўм	10	3 ой	уч ой муддатдан сўнг
2	6 ойлик	5000 сўм	21	6 ой	ҳар уч ойдан сўнг 10,5%
3	9 ойлик	3000 сўм	32	9 ой	ҳар уч ойдан сўнг 10,66%
4	Бир йиллик	10000 сўм	40	йилига	ҳар ойда 3,33%
5	Капитал-III (1йил)	10000 сўм	42	йилига	ҳар уч ойда
6	Капитал-II (2 йил)	10000 сўм	52	йилига	ярим йил
7	Капитал-I (3 йил)	10000 сўм	60	йилига	йил
8	«7х25» (етти ёшга тўлгунча)		45 300	йилига 7 йилга	йил

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил орқали олишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси - 94А-уй.
телефонлар: 34-32-03, 34-41-59. факс: 353576.

ДАНҒАРАЛИК АКАДЕМИК – АҚШ МАТЕМАТИКЛАР ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ

Бу хушхабар айниқса олимнинг ҳамқишлоқларида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Нега ҳам қувонишмасин — кечагина уларнинг кўз ўнгида улғайган ўсмирни бугун бутун дунё таниб турибди!

Академик Ш.Фармонов математика фанининг асосий йўналишларидан бири «Эҳтимолликлар назарияси ва математик статистика» бўйича дунё таниган йирик мутахассис ҳисобланади. Унинг боғлиқсиз ва кучсиз боғлиқли тасодифий миқдорлар йиғиндилари, тармоқланувчи тасодифий жараёнлар, тайёр маҳсулотнинг сифатини статистик усуллар орқали назорат қилиш назарияси, тасодифий жойланишлар йўналиши бўйича илмий тадқиқотлари жаҳон математика фани ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилган.

Дунёга танилган олим Фарғона вилоятининг Данғара қишлоғида туғилган. 1958 йилда Фарғона Давлат педагогика институти физика-математика факультетига ўқишга кириб, профессор Жамол Каримов қўлида таҳсил олди. Атоқли математик, академик Саъди Сирожиддинов эътиборига тушгач, ўқишни Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетида давом эттирди.

1968 йилда номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. Орадан беш йил ўтмасданоқ «Марказ занжирлари билан боғланган тасодифий векторлар йиғиндиси учун лимит теоремалар» мавзусидаги иши учун фан доктори илмий унвонига эга бўлди. Бу илмий ишда биринчи бўлиб кўп ўлчовли тасодифий миқдорлар учун машҳур Берри-Эссен теоремаси умумлаштирилди. 1973 йилда унинг лимит теоремалар бўйича бажарган туркум ишлари Беруний номидаги Давлат мукофотига лойиқ деб топилди.

Данғаралик олимнинг юқори малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги фаолияти ҳам сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. Унинг бевосита раҳбарлигида 20 дан ортиқ номзодлик ишлари ёқланди. Шогирдлари орасида 5 та фан доктори ва профессорлар бор.

Шуни фахр ва ифтихор билан қайд этиш керакки, ҳамюртимиз шогирдлари орасида Россия, Қозоғистон, Миср Араб Республикаси, Катар, Ливия, Вьетнам давлатларининг фуқаролари ҳам талайгина.

Атоқли олим ўз илми, салоҳияти туфайли бутун дунёни кезиб чиққан, десак муболаға бўлмайди. Мўғилистон, Миср, Япония, Франция ва бошқа кўплаб мамлакатларга илмий сафарлар бунинг яққол далилидир.

А. ТЎХТАСИНОВ.

Ибратли тадбир

ҚИЗИНГИЗ БАЛОҒАТ ЁШИГА ЕТДИ...

«Аср вабоси» номини олган гиёҳвандликка, ичкиликбозликка ва бунинг оқибатида ёшлар ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бутун дунёда авж олган. Тошкент шаҳар саломатлик марказида шу мавзуда семинар кенгаш ўтказилди.

Тадбирда мутахассислар, гинекологлар, педиатрлар ҳамда туманлардаги оилавий поликлиникалар бош врачларининг муовинлари иштирок этдилар.

«Балоғат ёшидаги қизларнинг физиологик ривожланишидаги ўзгаришлар, ҳомиладорликдан сақланиш воситалари» тўғрисида гинеколог Нигора Раҳимова, «Ўсмир қизларда учрайдиган эндокрин касалликлари ва унинг олдини олиш тадбирлари» тўғрисида Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бош мутахассиси В.Царёвалар маъруза қилишди.

Шунингдек, «Балоғат ёшига етмаганлар ҳамда ўсмирлар ўртасида учрайдиган тери-таносил касалликлари ва унинг олдини олиш тадбирлари» тўғрисида ҳамда «Ўсмир ёшлар ва вояга етмаганлар орасида ичкиликбозлик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи ёшларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг аҳволи ҳамда бу борада амалга оширилаётган тадбирлар» мавзусидаги маърузалар тингланди.

Х.АБДУЛЛАЕВ.

Яқинда пойтахтимиздаги тиббий-санитар бирлашмасининг 2-Марказий клиник шифохонасида янги эндокринология бўлими очилди. Ҳозирда мазкур бўлимда юқори малакали мутахассислар, энг замонавий тиббий текширув, самарали шифо муолажаларини ўтказа олувчи шифокорлар хизмат кўрсатмоқдалар.

Суратда: ҳамшира Раъно Султонова муолажа пайтида.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

«Бойчечак»

ШАРАФ ТОЖИ

Мадҳиянг янгради Сиднейда, юртим,
Байроғинг кўтарди Муҳаммадқодир.
Сенинг иқболингни ўзимда кўрдим,
Марди майдонларга ўзинг маъводир.

Англадим, кучни у олгандир сендан.
Ўзингни дунёга шарафлаш учун.
Шараф тожи эрур қиммат олтиндан,
Инсон унутмаса кимлигин, бурчин.

ЎЗ УЙИНГ АСРАГИН ЎЗИНГ

Огоҳ бўл одамзод, огоҳ бўл доим,
Ҳақиқат олдида юммагил кўзинг.
Гарчанд меҳрибондир қодир худойим,
Ўзингу ўз уйинг асрагин ўзинг.

Ватан тузин ичиб тупурса кимдир,
Билки, бефойдадир насиҳат сўзинг.
Юқтирма гард неки сенга муҳимдир,
Ўзингу ўз уйинг асрагин ўзинг.

Камола ҚАҲҲОРОВА,
Олот туманидаги 28-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Ҳазил ўрнида

ЭҲ, БИЗ АЁЛЛАР

Икки қўшни аёлнинг кундалик майда-чуйдалар ҳақидаги суҳбати чўзилиб... буткул бошқа бир мавзуга бурилиб кетди!

— Вой, сиз шуни илтимос қилманг мендан, барибир эсимдан чиқиб кетади, ўргулай. Мана, қўшним Насибахон ўтган куни хуноб бўлиб бизникига чиқди. «Бозорда конфетлар жудаям қиммат эмиш» деди. Мен унга «Ишхонамиз ёнидаги дўконда арзонгина конфет бор, бугун уч кило олдим» дедим. Шунда «Менгаям обкелинг» деса бўладими! Кичигининг туғилган куни экан, дастурхонга конфет қўймаса бўлмасмиш. «Хўп, эртага обкелиб бераман» дедим. Шу денг, эртасига кечқурун ишдан қайтсам, эшигимиз ёнида қўшнимизнинг ўғли турибди! Шошибгина уйга кирдим. «Ёдимдан чиқибда» дейишга уялиб, ўзимизга олган кечаги конфетни қўлига тутқаздим айланай. Нима қилай, хотирамнинг чатоқлиги панд берди.

— Унақа деманг, қўшни. Сиздан кўра хотираси чатоқроқлар ҳам бор. Кечаги ҳафтада ўғлимнинг кундалигига муаллимаси «Синфга парда олишга юз сўмдан йиғяпмиз, сиз ҳам берворинг» деб ёзибди. Маош олгандим, шу куниёқ пулни ўғлимга тутқаздим. Орадан тўрт-беш кун ўтди, ўғлимнинг кундалигини варақлаётсам, яна муаллимасининг ёзуви: «Парданинг пулини қачон бервورасиз?» деб ёзибди. Ўғлимни койидим: «Ўша куни пулни берганмидинг» дедим. «Берувдим, шекилли» дейди ўғлим ҳам. Қаранг, ёшгина бўлиб ҳалитдан эсини йўқотади. Кимга ишонай, ўғлимгами ё муаллимасигами?

— Ўғлингиз-ку, кичик, уни кечирса бўлар. Лекин кап-катта хотиннинг эси қаёқда. «Дафтар олиб келинг» деган қизимга «Дўкон ёпиқ экан» дейман. «Китоб олиб беринг» деган ўғлимга «Китоб сотадиган жой ремонтда экан» дейман. Ёдимдан чиқиб кетгани учун шунақа баҳона тўқийман-да. Бир куни роса қизардим денг. «Китоб сотадиган жойнинг ремонти тугабдими, аяжон?» деб сўраб қолди ўғлим. «Қанақа ремонт?» деб юборибман. Шошганимдан ўзим топган баҳонам ўзимнинг ёдимдан кўтарилибди. Хотирам қурсин.

— Мен-чи, мен бошлиғимиз топшириқ берса унутиб қўйиб, нуқул танбеҳ эшитардим. Энди бўлса, ҳар бир топшириқни ён дафтаримга сўзма-сўз ёзиб оламан. Сўнг тайинланган ишларни битириш учун зарур кишиларга бирма-бир қўнғироқ қиламан. Қўнғироқ рақамини тераётиб, ўша дафтарчамдан кўз узмай тураман денг, тағин кимга қўнғироқ қилаётганимни унутиб қўймай деб...

— Сиз буни айтасиз, мен ҳар куни ишга кетаётиб, эшикни қулфлаганимдан сўнг «Газни ўчирдимми-йўқми?» деб ўйлаб қоламан. Кейин эшикни очиб ичкарига кираман, газ плитаси томон бирров кўз ташлаб, хотиржам бўлиб сўнг ишга кетаман. Қай бир куни ҳамхонам «Бунақа овора бўлиб юргунча, газни ўчираётиб «Мана ўчирдим!» деб овоз чиқариб айтсангиз бўлди, шу эсингизда қолади» деди. Ўша куни шу гапга амал қилдим денг. Лекин, эшикни қулфлаганимдан кейин яна ўйланиб қолдим. «Газни ўчирдим, деб айтдимми ё йўқми?!» Шуни эслолмадим.

— Сиз хижолат бўлманг, қўшни. Мана, чет элларда буткул хотирани йўқотиш касали боракан. Кимлиги, қачон туғилгани, ҳатто ўз исминиям эслолмаскан улар. Худо шунақасидан асрасин. Ахир, биз аёлларнинг бошимизда минг бир юмуш, хотирамиз ҳам ўзимизга ўхшаб чарчайди. Лекин эркакларнинг хотираси ҳамиша жойида.

— Қўйсангиз-чи, сизнингча шу эркакларнинг хотираси жойида эканми? Сиззикини билмадиму, бизнинг хўжайин ҳар гал «Дам олиш куни театрга тушамиз, ойиси» дейдилар. Айтган кунларида эсларига солсам, «Э, бугун чойхонапаловга ваъда бериб қўювдим-а» деб сувдан қуруқ чиқадилар. Тунов куни эса, «Неча вақтдан бери «Чимилдиқ»қа обкирмадингиз-а!» десам. «Чимилдиққа бир марта кирганинг етмайдими?» десалар бўладими! Қарасам, шу ҳазил билан қутилиб кетмоқчилар. «Бу сафар алдолмайсиз, барибир «Ҳамза»га обкирасиз!» дедим. «Хўп» деб ишга кетдилар. Орадан бир кун ўтиб, шимларини дазмоллаб, даструмолларини алмаштирай десам, қўлимга театр билетлари илашиб чиқди. «Ҳой, булар кимгайди?» деб сўрадим. «Аттанг!» деб пешоналарига урдилар. Қаранг, ўша куни айтиш ёдларидан чиқиб қолибди!

— Бу хотира деганлари бир ўтмаслашса ёмон экан. Тунов куни телевизорда бир олим айтди. Ҳар куни уч маҳал эллик граммдан қора кишмиш ейилса, хотира яхшиланаркан.

— Ростданми, уч маҳал эллик граммдан дедингизми? Тўхтанг, ёзиб олай. Қани менинг ручкам? Вой мен ўлмасам!

— Ҳа, нима бўлди?

— Сумкам идорада қолибди...

* * *

Кимнинг хотираси жойида? Сизникими? Яшанг! Хотирангизни авайлаб, қадрига етинг. Хўш, кимнинг хотираси яхшимас? Меники дейсизми? Унда сизга бошқа бир маслаҳат берай. Яқинда хорижий журналларнинг бирида ёзишибдики, хотирани мустаҳкамлаш учун... Ҳаҳ, нимайди?! Яхшиси мен ўша журнални топиб келай, сиз билан эртага гаплашаман, хўпми? Кечқурун қўнғироқ қилиб эсимга соларсиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Келинг, бир кулишайлик

ХОТИНИМНИНГ ТОВУҒИ

Афанди бир куни эшик тагида товуқ гўшти еб ўтирган эди, қўшниси чиқиб қолиб Афандига кўзи тушди ва оғзидан суви келиб, унга ялинди:

— Бир оёғини менга бер!

— Жоним билан берар эдим-ку, - деди Афанди, - аммо товуқ менiки эмас, хотинимники-да.

— Ўзинг еяпсан-ку! - деди қўшниси.

— Нима қилай, хотиним е дегандан кейин еяпман-да! - жавоб берди Афанди.

ЭР СЎЗИ

Афандидан бир кун сўрабдилар:

— Афанди! Неча ёшга кирдингиз?

— Йилим балиқ, алҳамдулилло, қирққа кирдим, - дебди Афанди.

Орадан ўн йил ўтгач, ўша одамлар Афандидан яна сўрабдилар:

— Афанди! Неча ёшга кирдингиз?

— Йилим балиқ, алҳамдулилло, қирққа кирдим, - деб жавоб берибди Афанди.

— Ий-йи! - дейишибди одамлар. - Бундан ўн йил бурун ҳам, қирққа кирдим, деб эдингиз. Яна, қирққа кирдим, дейсиз...

— Эй, нодонлар! - дебди Афанди. - Эр сўзидан, шер изидан қайтмас, деган мақолни билмайсизларми?

АФАНДИ - БЎЁҚЧИ

Афанди бўёқчилик қилар эди. Бир киши оқ бўз келтириб:

— Афанди, шуни бўяб берсангиз? - деди.

— Марҳамат, қанақа рангга бўяй? - деб сўради Афанди.

— Дунёда ҳозиргача топилмаган, кўрилмаган рангга бўяйсиз.

— Бу қанақаси бўлди? - ажабланди Афанди.

— Бу, - деди у киши, - оқ, қизил, сариқ, пушти, савсар, нафармон, қора, жигарранг, зангори бўлмаслиги керак.

Унинг масхаралаётганини тушунган Афанди.

— Жуда яхши, хоҳлаганингиздек бўяб қўяман, - деди.

— Қачон келиб оламан? - ҳазили ўринлаганига суюниб сўради у киши.

— Жума, шанба, якшанба, душанба, сешанба, чоршанба, пайшанбадан бошқа кунлари олиб кетинг, - деб жавоб берди Афанди.

ЎН ОШАМ ОШ

Афанди устачилик қилар эди, бир хасис одам уни ёлламоқчи бўлиб баҳолашди:

— Ярим танга пул, ўн ошам ош бераман, - деди у.

Афанди кўнди. Кечқурун ишдан кейин ярим танга пулни олиб ёнига солди, хасис олиб чиққан ўн ошам ошни уч ошам қилди-ю:

— Қолган етти ошамига қачон келай? - деди.

«СУВ» БОШҚОТИРМАСИ



ЭНИГА: 3.Ҳинд дарёсининг ирмоғи. 6.Сирдарё ўзанига қурилган гидротехника иншооти. 8.Суғориладиган даланинг бир қисми. 11.Гумбазли ҳовуз. 12.Қорадарёга қурилган тўғон. 15.Тошкент шаҳрини сув билан таъминловчи каналлардан бири. 16.Польшадаги Одер дарёсининг ирмоғи. 18.Қирғизистондаги дарё. 19.Туркия ва Ироқ ҳудудидан ўтадиган дарё. 20.Чўл ва чала чўлларда ўсувчи бута. 21.Дарё қирғоғини мустаҳкамлашда ва тўғон қурилишида ишлатиладиган мослама. 23.Шимолий Кавказдаги дарё. 25.Байкал кўлига қуйиладиган дарё. 27.Чу дарёси тўйинадиган тоғ тизмаси. 29.Сурхондарё вилоятидаги сой. 32.Россиянинг Амур областидаги дарё. 33.Жанубий Америкадаги дарё. 34.Сувнинг юқорига, ёнига отилиб турилишини таъминлайдиган қурилма.

БЎЙИГА: 1.Россиянинг шимолидаги кўл. 2.Тожикистоннинг ғарбий қисмидаги дарё. 4.Қир ёки тоғолди қия текисликдаги бир томонга чўзилган пастлик ер. 5.Хилма-хил кўринишдаги олам. 7.Жанубий Америкадаги дарё. 9.Сув сатҳидан энг баландликда кўприк қурилган дарё. 10.Марказий Тяншань тизмасидан тўйинадиган дарё. 13.Россиянинг шарқидаги дарё. 14.Бухоро вилоятидаги туман. 16.Россиядаги дарё. 17.Нил дарёсига қурилган тўғон. 21.Чўлларда ўсувчи дарахт. 22.Андижон вилоятидаги дарё. 24.Гручнинг маҳаллий нави. 25.Шарқ халқлари орасидаги афсонавий қуш. 26.Фарғона вилоятидаги сув омбори. 27.Ғарбий Тяншандаги тоғ тизмаси. 28.Беруний туманидаги канал. 30.Поп туманидаги сой. 31.Амударё тармоғи.

Тузувчи: Эркин ШУКУРОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 35-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

БЎЙИГА: 1.Курка. 2.Азоб. 3.Андава. 4.Ханжар. 5.Барг. 6.Салима. 9.Комила. 14.Донг. 16.Ария. 18.Мор. 22.Енг. 23.Илк. 25.Алла. 26.Сичқон. 27.Умид. 28.Арра. 29.Азиз. 30.Имкон. 31.«Бомба». 32.Узун. 33.Анди. 37.Рентген. 39.Лавлаги. 41.Инсон. 44.Ойрот. 45.Рах. 46.Овоз. 47.Қува. 48.Олт. 53.Измир. 54.Оқшом. 55.Афиша. 56.Кўса. 57.Ойна. 60.Узум. 61.Рено. 63.Ипор. 65.Мард. 67.Ибо. 68.Ага.

ЭНИГА: 7.Зеҳн. 8.Аста. 10.Жавзо. 11.Дўкон. 12.Рўмол. 13.Обида. 14.«Давр». 15.Тана. 17.Доира. 19.Карвон. 20.Ижозат. 21.География. 24.Галстук. 29.Амри. 31.Бону. 34.Парвоз. 35.Зайнаб. 36.Актриса. 38.Димлама. 40.Ариза. 42.Дон. 43.Анойи. 49.Ландсхут. 50.Оттава. 51.Зувала. 52.Роуркела. 56.Каноп. 58.Зиқна. 59.Дутор. 62.Омоним. 64.Амирий. 66.Бўстон. 67.Ирода. 69.Узанги. 70.Адур. 71.Атом. 72.Дарҳол. 73.Бардам.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6